



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 27 июнь, № 130 (9025)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
амалий ташриф билан Беларусь
Республикасига келди.

«Минск» миллий аэропортида давлатимиз раҳбарини Беларусь Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Николай Снопков ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси 27 июнь куни Минск шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида қузатувчи мақомида иштирок этади.

ЎзА.

Ўзбекистон — ЕОИИ: МИНТАҚАВИЙ ТУЗИЛМАЛАР ДОИРАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 26-27 июнь кунлари амалий ташриф билан Минск шаҳрида бўлади ва Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши (ЕОИК)нинг навбатдаги йиғилишида қузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этади.

Биз ва жаҳон

Евроосиё иқтисодий иттифоқи Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон негизида тузилган халқаро интеграцион иқтисодий бирлашмадир. У 2014 йил 29 майда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Беларусь, Қозоғистон ва Россия давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартнома кучга кирганидан сўнг 2015 йил 1 январдан иш бошлади. 2015 йилда Арманистон ва Қирғизистон шартномага қўшилди.

Ўзбекистон 2020 йилда ЕОИИда қузатувчи давлат мақомини олган. Бирлашма низомига кўра қузатувчи мақомига эга давлатлар ЕОИИ органлари йиғилишларида қарор қабул қилиш ҳуқуқисиз иштирок этиши, шунингдек, Евроосиё иқтисодий комиссиясига мамлакат вакилини тайинлаши мумкин.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини ушбу форматда ривожлантириш миллий манфаатларга жавоб беради ва тенг ҳуқуқлилик, шунингдек, иштирокчи давлатлар томонидан бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш таъминланишига асосланади.

Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз қузатувчи мақомини олганидан бери

мазкур бирлашма Олий кенгашининг етти та йиғилишида қатнашди.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида қузатувчи мақомида иштирок этди ва муҳим ташаббусларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида сўнгги йилларда мамлакатимиз қузатувчи сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан 22 та йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 2024 йилда Ўзбекистоннинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 11 фоизга ошди. Октябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олган янги уч йиллик ҳамкорлик режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон ЕОИИнинг савдо ва юк ташишини рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги қатор тармоқ дастурларида фаол иштирок этмоқда.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри юртдошлар!

Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, ҳурматли журналистлар, муҳтарам факрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар бекиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мурраккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоён медиаоламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнاتини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлаймани, ўринли бўлади.

Ушбу қутлуг айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар!

Атоқли ҳадиёд бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, **“Матбуот тарихи – Ўйғонч давр тарихининг бир бўлагидир”**.

Биз кейинги йилларда, улуғ аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартини таъминлаш бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув тўғрисида медиамаконида илғор лойиҳа ва технологиялар, янгиликлар муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикада фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сони кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиаконтентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти қўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардор лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституций ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр

маҳсулотлари фойда солигидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдоридан белгилангани, қўшилган қиймат солигини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиб берди, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонқуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қиладди.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишининг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли уртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши

курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадри оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган тақлифларни инобатга олиб, бу йил “Олтин қалам” миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинида топширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равнақига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан бунён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Доимо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан баракка топинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституций ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очкилик таъминлини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётида фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист»
фахрий унвони билан**

Дониёров Салим Мусурмонович — «Янги Ўзбекистон»

ва «Правда Востока» газеталари тахририяти бош муҳаррири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович — «Жади» газетаси бош муҳаррири

«Дўстлик» ордени билан

Амангелдиева Раихан Қдирбаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомаркази филиали тасвир ёзуш гуруҳи катта электр механиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Кенжаева Зоҳида Абдуллаевна — Тўрақўрғон тумани «Давр» газетаси муҳаррири, Наманган вилояти

Матякубов Камол — «Адолат» газетаси муҳбири

Миршарипов Фарходжон Арислонович — Фарғона вилояти телерадиоканали бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари

Орипов Шухратжон Орип ўғли — «Бизнесни ривожлантириш банки» акциядорлик тижорат банкининг ахборот хизмати раҳбари

Рахимов Абдижаалол Абдизиятович — Чиноз тумани «Чиноз ҳаёти» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент вилояти

Титчук Андрей Георгиевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo bo'yida» телеканали ахборот-информацион дастурлар муҳарририяти монтажчиси

Уринбоев Сайдулла Мардонovich — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телеканали телеоператорлар гуруҳи телеоператори

Хасанов Хайдар Хатамжанович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси директори ўринбосари

Хасанов Рўзимбой — «XXI аср» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича муҳбири

**II даражали «Соғлом авлод учун»
ордени билан**

Нурматов Акбар Норматович — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа кафедраси мудири

Холбекова Баҳор Шайимовна — «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири

**«Соғлом турмуш»
медали билан**

Джумаев Ибраҳим — Навоий вилояти «Саломатлик» газетаси муҳаррири

**«Келажақ бунёдкори»
медали билан**

Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли — Тошкент шаҳридаги «Sharoit plus» нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа менежери

«Шухрат» медали билан

Абилов Фазлиддин Ибрагимович — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти бош муҳаррирининг ўринбосари

Авазов Дилмурод Батирович — «O'riat Dono» радиоси мусика муҳаррири

Адилова Муножот Асроровна — «Daryo.uz» интернет нашрининг тахрир бўлими мусахҳиҳи

Асанов Элдар Энварович — «Asanov formati» телеграм канали асосчиси, блогер

Аҳатов Собит Темирович — «Xabar.uz» интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири

Гапирова Нигора Умурзаковна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи муқоваловчиси

Джумаев Хидоят Иноятович — Бухоро вилояти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори

Каршиев Азиз Ражабович — «Kun.uz» интернет нашри муҳаррири

Кораббев Шамшидин — Фарғона вилояти оммавий ахборот воситалари факрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи

Мадатова Зилола Мухаммадиевна — «Маърифат» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Макаренко Никита Анатольевич — Ижтимоий тармоқлардаги «Effect Makarenko» саҳифаси асосчиси, блогер

Маматрайимов Холмумин Норқобилевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сурхондарё вилояти бўйича шарҳловчиси

Мунинова Гулрух Комиловна — Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталари тахририяти махсус муҳбири

Муслимов Шухрат Зикруллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston MTRK radiomarkazi» давлат муассасаси телевидение ва радио кўчма техника хизмати бошлиғи

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли — Тошкент шаҳридаги «SAS-Media» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Раббимов Камолитдин Мухиддинович — «Kamoliddin Rabbimov» телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

Рахимов Сарваржон Хамиджонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси

Рашидова Наргизахон Рашидовна — «Менинг юртим» телеканали эфирга узатиш бўлими муҳаррири

Сакаева Элина Ибрагимовна — «Gazeta.uz» интернет нашри муҳаррири

Саматова Салима Абдиназаровна — Касби тумани ахборот-кутубхона марказининг абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» ижодий бирлашмаси шарҳловчиси

Шерова Лазиза Шомилловна — «Ўзбекистон овози» газетасининг парламент фаолияти бўлими мудири

Якубонова Нилуфар Ойбековна — Андижон вилояти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

26 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцалоқа тарзида

ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи иш куни «Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини ташкил этиш тўғрисида» Битимни (Бишкек, 2024 йил 6 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунни кўриб чиқишдан бошланди.



Депутатлар — ҳудудларда

ИСТИҚБОЛНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўзлари сайланган округларда сайловчилар билан мулоқотлар ўтказмоқда. Учрашувлар давомида халқ вакиллари маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналари, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берапти.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Давробиёқ ЭРНАЗАРОВ олган сурат.

1 Таъкидланганидек, Битим 2024 йил 6 ноябрь куни Қирғиз Республикасининг Бишкек шаҳрида “Туркий дунёни кенгайтириш: иктисодий интеграция, барқарор ривожланиш, рақамли келажак ва барча учун хавфсизлик” шиори остида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида ишлаб чиқилган ва Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон томонидан имзоланган.

Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади ташкилотга аъзо давлатларнинг фавқулодда вазиятлар идоралари ўртасида табиий офатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ташкилот аъзоларининг соҳа йўналишидаги дўстона муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Битимда ташкилотга аъзо давлатлар фуқаро муҳофазаси механизмидан кузатувчи давлатлар ва бошқа давлатларнинг худудларида юз бериши мумкин бўлган табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларда фавқулодда эҳтиёжларни қондириш учун биргаликдаги фаолият учун самарали ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатларнинг фавқулодда вазиятлар идоралари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, табиий офатлар вақтида тезкор кидирув-қутқарув ишларини мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги мониторинг, таҳлиллар натижаларини ҳамда ўзаро тажриба алмашинувни тизимлаштириш ҳамда ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни янги босқичга кўтариш каби масалаларнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари белгиланган.

Қонун билан мазкур Битимнинг ратификация қилиниши фавқулодда вазиятлар соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга ва табиий офатларнинг олдини олиш, прогнозлаш, мониторинг ва таҳлил этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, фавқулодда вазиятлар ва ҳолатлар содир бўлганда бошқарув ва кидирув-қутқарув ишларини самарали ташкил этиш бўйича илгор тажрибаларни алмашишга имкон яратлади.

Мухокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди.

Шундан сўнг “Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвенциясига (Вена, 1963 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга қўшилиши натижасида фуқаролик ядро объектларида содир бўлган ҳодисалар оқибатида етказилган зарар учун жавобгарлик режими, зарарни қоплаш тартиби, муддатлари ва тамойилларини белгилайдиган асосий нормалар татбиқ этилади. Шунингдек, ядровий жавобгарлик режими ядровий фалокат юз берган тақдирда Ўзбекистон халқига товуқ тўлиниши таъминланади.

Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади ядровий қурилма оператори томонидан бошқариладиган иншоотларда содир бўлган ҳодисалар натижасида юзага келган ядро зарари учун операторнинг жавобгарлигини, шунингдек, ядро зараридан молиявий химояни таъминлаш учун минимал талабларни белгилашдан иборат.

Кайд этилганидек, Вена конвенциясига қўшилиш зарарни қоплашнинг халқаро миқёсда тан олинган ҳуқуқий механизмларини таъминлаб, жабрланувчиларни химоя қилишни кучайтиради, ядровий қурилмалар операторининг аниқ мажбуриятларини белгилайди ва юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ишончли молиявий кафолатларни яратди.

Шу билан бирга, миллий ядро хавфсизлиги тизимига ишончни оширади, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва ядровий жавобгарлик соҳасидаги замонавий стандартларга риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг Вена конвенциясига қўшилиши ядро энергетикаси ва хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳуқуқий майдонга киришини таъминлашга, ядровий хавфсизликни кафолатлашга, ядровий зарардан жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини муносиб химоя қилишга, давлатнинг ядро энергетикаси соҳасидаги масъулиятини аниқ белгилашга ҳамда ядро энергетикаси соҳасида сугурта тизими ва компен-

сация механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Атом энергияси халқаро агентлиги билан ҳамкорлик алоқалари янада кенгайди ва унинг дастурлари доирасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ишлари фалоллашади.

Мухокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг 8-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, 2024 йилда Марказий банкнинг фаолиятида асосий эътибор ялпи талабнинг инфляцияга бўлган босимларини юмшатиш, аҳолининг жамғариш фаоллигини рағбатлантириш ҳамда ўрта муддатли истиқболда инфляциянинг белгиланган таргет кўрсаткичига етишини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, ушбу даврда банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбуллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирларини юмшатиш, банк хизматлари ва ҳисоб-китоб операциялари-га кибертаҳдид ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш натижасида 2024 йилда банк тизимининг жами капиталли ҳажми 18 фоиз, устав капиталли ҳажми 22 фоиз ўсган. Капитал монандлиги кўрсаткичи 17,4 фоизни ташкил этиб (минимал талаб 13 фоиз), ўтган йил даражасида (17,5 фоиз) сақланиб қолган.

Ҳисобот йилида банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда аҳоли эътиборлари учун ажратилган кредитлар миқдори 2023 йилдагига нисбатан 35,8 триллион сўмга ошган ва 287,1 триллион сўмини ташкил қилган. Иқтисодиётдаги умумий кредит қўйилмалари қолдиги эса 566,2 триллион сўмини ташкил этиб, 14 фоизга ўсган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ва инфляцияни оширувчи хатарларнинг камайганилиги туфайли асосий ставка 14 фоиздан 13,5 фоизга пасайтирилган.

Пул-кредит соҳасидаги ушбу чора-тадбирлар инфляция даражасининг юқори суръатларда ўсишини жиловлаш имконини берган. Йил якунида инфляция даражаси 9,8 фоизни, базавий инфляция даражаси эса 7,2 фоизни ташкил этган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар Марказий банк томонидан бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ва амалга ошириладиган вазифаларга эътибор қаратди.

Жумладан, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилмаи асосиз кредит фоизи ва пеня ундирилган, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги кредитларнинг ажратилишга белгиланган муддатларга риоя қилинмаган. “HUMO” ва “UZCARD” тизимларининг интеграцияси ханузгача якунлан-

маган. Муаммоли кредитларнинг улуши ўтган йилги даражада сақланиб қолмоқда.

Масъулларнинг мазкур камчиликларни бартараф этиш борасида қўрилаётган чоралар тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Мухокама жараёнида фуқароларнинг банк карталаридан турли фирибгарлик йўллари билан маблағларни ўзлаштириш ҳолатларига барҳам бериш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Сенаторлар томонидан базавий инфляция даражасини пасайтириш чораларини қўриш, тўлов тизимлари барқарор ишлашини таъминлаш, хизматлар қўламини кенгайтириш бўйича тақлифлар билдирилди. Бундан ташқари, киберхавфсизлик чораларини кучайтириш ҳамда тадбиркорлардан ноқонуний тарзда маблағ ундириш ҳолатларига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Мухокама якунида билдирилган тақлифларни инобатга олган ҳолда Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Сенат аъзоларининг жойларда ўз сайловчилари билан учрашувларида, шу жумладан, сайёр қабулларда, Сенатга келиб тушаётган мурожаатларда ҳамда ижтимоий тармоқларда давлат идоралари, корхона ва ташкилотлари меҳнат қонунчилиги-га етарли даражада риоя этимаётганиги оқибатида сўнгги вақтларда фуқаролар томонидан эътирозлар билдирилмоқда. Шуни инобатга олиш, ушбу масала Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ўрганилган.

Жумладан, 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналарига келиб тушган бандлик ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ мурожаатлар сўмини ўрганиш жараёнида аниқланганидек, айрим давлат идоралари, корхона ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти қониқарсизлигича қолмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мазкур масалалар бўйича 167 314 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар сони 2024 йилда (80 816 та) 2023 йилдагига (86 498 та) нисбатан қариб 6 мингтага ёки 7 фоизга қамайган бўлса-да, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда меҳнат ва бандлик соҳасидаги бошқарув билан боғлиқ масалаларга доир мурожаатлар сони ошган.

2024 йилда судларда қўрилган ишлар бўйича жойларда меҳнат қонунчилигига риоя қилмаслик оқибатида ҳуқуқи бузилган фуқаролар фойдасига иш берувчилардан 166 миқдорда сўм иш ҳақи, 22 миқдорда сўм кечикканлик учун ҳақ, 20 миқдорда сўм маънавий зарар ва 17 миқдорда сўм давлат божини ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган бўлиб, натижада айрим раҳбарларнинг ноқонуний буйруқлари натижасида жами 225 миқдорда сўм миқдорда ёки 2023 йилга нисбатан

86 миқдорда сўмдан кўп миқдорда зарар етказилган.

Меҳнат низоларининг аксариятини иш ҳақини ундириш, ишга тиклаш, пулли компенсация ундириш, меҳнат таътили, ишга қабул қилишни гайриқонуний равишда рад этганили билан боғлиқ низолар ташкил этган.

Аҳолининг ҳақли эътирозлари қўла-йиши, адолатсизлик юзасидан фуқароларнинг шикоятлари сони кескин ортishi сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Мухокама натижасида мазкур масала юзасидан парламент сўрови юбориш бўйича Сенатнинг қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш ҳамда уларни ижтимоий химоя қилиш, хусусан, болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида боланинг тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, қонунчиликда алимент тўлашдан бўйин товланганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилган.

Қардор томонидан узрсиз сабабларга кўра суд ҳужжати ижро этилма-ганда қардорнинг мамлакатимиздан чиқшини вақтинча чеклаш мумкинлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида “Алимент тўловлари” жамғармаси ташкил этилиб, 50 миқдорда сўм маблағ ажратилган.

Соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан 2024 йил давомида 2,1 триллион сўм маблағлар, шундан олдиндан тўлов сифатида 46,3 миқдорда сўм миқдорда алимент пуллари ундирилган. 2025 йил январь ҳолатига кўра “Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан 1 723 нафар ундирувчида 40,6 миқдорда сўм маблағ тўлаб берилган.

Шунингдек, ўтган йилда 13 252 та оила яраштирилган, ишсиз бўлган 5 113 нафар қардор, шундан 8 201 нафари “Бандлик платформаси” орқали ишга жойлаштирилган.

Мухокама давомида болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш жараёнида айрим муаммо ва камчиликлар борлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Хусусан, Бош қомусимизда ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунгига қадар тўлақонли ва ҳар томонлама қамол топиши ҳусусида ғамхўрлик қилишга мажбуриги белгиланган

бўлса-да, айрим ота-оналар ушбу мажбуриятга масъулият билан ёндашмаётганига эътибор қаратилади.

2023 йилда 5 697 шахс, 2024 йилда эса бу кўрсаткич 35 фоизга ортиб, 8 833 шахс моддий таъминлашдан бўйин товланганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ўтган йилнинг ўзида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 1 109 та айблов ҳукми чиқарилган.

Мухокама давомида иш жойи бўлмаган ва даромади аниқланмаган қарздорлардан алиментни ундириш борасидаги айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шакллари-нинг халқаро тартиби тўғрисидаги Гаага Конвенциясига қўшилиш, “Алимент тўловлари” жамғармасини шакллантириш манбаларини кенгайтириш ва алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ғазначилиги электрон тизими билан интеграция қилиш вазифалари ижроси кечикаётгани сенаторлар томонидан танқид қилинди.

“Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан 1 723 нафар ундирувчида 40,6 миқдорда сўм маблағ тўлаб берилган бўлса-да, ушбу маблағларнинг атиги 2 фоизи, яъни 849,2 миллион сўми жамғармага қайтарилгани боис мазкур йўналишда ҳам таъсирчан чоралар қўриш лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Оила кодексининг 107-моддасига асосан вояга етмаган бола суд қарори билан ота-онасидан олиниб, болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган бўлса, ота ва онанинг ҳар биридан мазкур бола фойдасига белгиланган миқдорларда алиментлар ундирилади. Бунда ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисобварағида жамланади ва у вояга етганда тўланади.

Бироқ вояга етмаган болалар номига банк ҳисобварағи очилишини ҳуқуқий асослари белгиланмаганлиги учун бугунги кунга қадар алиментлар бошқа ҳисобварақларга тўлаб борилган.

Мухокама якунида юқорида тилга олинган долзарб масалаларни ўз ичига олган парламент сўровини Вазирлар Маҳкамасига юбориш тўғрисида Сенат қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Ялпи мажлисда жамяят ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 13 та масала, шу жумладан, 8 та қонун қўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ИНСОН ҚАДРИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАР

Кеча ўз ишини якунлаган Олий Мажлис Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг сўнгги куни ҳам қизғин мунозараларга бой бўлди. Сенаторлар бир неча қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2024 йилдаги фаолияти тўғри-

сидаги ҳисоботи ва парламент сўровлари юбориш масалаларини муҳокама қилди.

Қуйида айрим сенаторларнинг қабул қилинган қонунлар ва уларнинг аҳамияти борасидаги муносабатлари билан танишасиз.

Муносабат

Ядровий зарар учун жавобгарлик муҳим

Маҳмуджон ТОИРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси:

— Мамлакатимизда ядро энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, сувдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, экология каби муҳим соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга, бу йўналишларда фаолият юритаётган субъектларнинг компетенциялари ва салоҳиятини юксалтиришга, шунингдек, Атом энергияси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) дастурлари доирасида юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган “2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси” доирасида узоқ муддатли энергетик хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётни декarbonизация қилишга (карбонат ангидрид чикиндиларини камайитириш) қаратилган Ўзбекистондаги биринчи атом электр станциясини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида халқаро талабларга жавоб берадиган, хавфсизлик даражаси юқори реакторлар ҳисобланувчи, қуввати юқори бўлган иккита энергоблоқдан иборат “ВВЭР-1000” турдаги реакторга асосланган “3+3” авлоддаги атом электр станцияси ва қуввати кичик бўлган “РИТМ-200Н” турдаги иккита энергоблоқдан иборат кичик атом электр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Атом энергияси халқаро агентлиги талабларига мувофиқ, ядровий энергетика дастурини амалга ошираётган давлатлар ядровий хавфсизлик бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши лозим.

Шундай ҳужжатлардан бири — Атом энергияси халқаро агентлиги ҳомийлигида ишлаб чиқилган асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланувчи Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвенциясидир.

Шу сабабли мамлакатимизда узоқ муддатли энергетик хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор берган ҳолда Ўзбекистоннинг Халқаро атом энергияси агентлиги билан алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган конвенцияга қўшилиш масаласи аҳамиятли саналади.

Вена конвенциясининг мақсади — ядровий қурилма оператори томонидан бошқариладиган иншоотларда содир бўлган ҳодисалар натижасида юзага келган ядро зарари учун операторнинг жавобгарлигини, шунингдек, ядро зараридан молиявий химояни таъминлаш учун минимал талабларни белгилашдан иборат.

Конвенцияга мувофиқ оператор ядровий зарар учун мутлақ жавобгар ҳисобланади. Конвенция иштирокчиси бўлган давлат миллий қонунчилигида ядро қурилмаси операторининг фуқаролик жавобгарлиги чегарасини ҳам белгилаб қўйиши шарт. Бунинг учун у молиявий жавобгарлигини аниқ миқдори-ни ва уни таъминлаш тартибини белгилловчи тегишли ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиши лозим. Бундан ташқари, конвенция ядровий ҳодиса содир бўлган давлат худудидagi миллий судларнинг юрисдикция-

Ўзбекистонда Беларусь «Сифат академияси» ўқув маркази филиали ташкил этилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — ЕОИИ: минтақавий тузилмалар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш сари навбатдаги қадамлар

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхталди.

Хусусан, мамлакатимиз етакчиси ўзаро савдодаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этишга чاقирди. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасидаги савдода тариф ва нотариф чекловларни қўлдамаслик масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқиш таклиф этилди. Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳамда воситаларига қўшилшдан манфаатдорлик билдирилди.

“Кўшма лойиҳаларни илгари суриш учун ишончли молиявий манбаларни шакллантириш мақсадида келгуси йил бошида тартиб-таомилларни яқунлаб, Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишни режалаштирмоқдамиз”, деди Ўзбекистон етакчиси.

Жумладан, жорий йилнинг 9 апрель куни давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё тараққиёт банкини таъсис этиш ҳақидаги Битимга (Остона, 2006 йил 12 январь) қўшилиши тўғрисида”ги Қонунни имзолади.

Битимнинг асосий мақсади инвестиция фаолияти орқали унга қўшилган иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ўсишига ва улар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қўмаклашишдир. Шунингдек, банк фаолияти доирасида тўлиқ ва самарали иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади. Бундан ташқари, банкка аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсишига қўмаклашиш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва инвестиция фаолияти орқали Евроосиё ҳудудида интеграция жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ЕОИИ доирасида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди. Мамлакатимизни ЕОИИнинг интеграциялашган ахборот тизими ва “Рақамли иттифоқ” лойиҳасига улаш ташаббуси илгари сурилди. Аграр соҳада хилшўқ ҳўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни енгилаштириш, инновацион аргосанот лойиҳаларини амалга ошириш ва илмий ишланмаларни жорий этишга қаратилган кооперация дастурини тайёрлаш таклиф қилинди. Сайёҳлик алмашинувларини рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ЕОИИ давлатлари фуқароларига Ўзбекистонга ички ҳўжатлар билан кириш имконини берувчи тартибни жорий этишга тайёрлигини билдирди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти томонидан Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши мажлисларида илгари сурилаган, тузилмага аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг барча манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган очик ва прагматик ташаббусларнинг ақсарияти ҳаётга татбиқ этилганди. Эътиборлиси, давлатимиз раҳбарининг мазкур таклиф ва ташаббуслари иштирокчи давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам ақдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бош вазирини бошчилигида ЕОИИ мамлакатлари ва Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорлик бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузилган. Ишчи гуруҳ ЕОИИ билан ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради, иқтисодий алоқаларни таҳлил қилади ва ҳамкорликни ҳўжурлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

2024 йил 1 октябрда Ўзбекистон ҳўкумати ва Евроосиё иқтисодий комиссияси ўртасида 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган Қўшма ҳаракатлар режаси имзоланди.

ЕОИИ платформасида кузатувчи давлат сифатида иштироки орқали Ўзбекистон муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда, тузилмага аъзо барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қиляпти, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ушбу омиллар эса барқарор ўсиш суръатларни кўрсатаётир.

Ҳозирги вақтда ЕОИИ томонидан хорижий шериклар билан ҳамкорлик алоқалари Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) нормалари ва тамойилларига мувофиқ тарзда ўрнатилган.

ЕОИИ халқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти ва бошқалар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, мазкур иттифоққа аъзо давлатларнинг асосий қисми Жаҳон савдо ташкилотига ҳам аъзо ҳисобланади.

Ушбу омиллар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон томони кузатувчи давлат сифатида ЕОИИнинг тўртта пилот лойиҳасида иштирок этмоқда. Хусусан, Темир йўлда қў ташишни рақамлаштириш лойиҳаси ЕОИИ давлатлари ва Хитой ўртасида темир йўл қў ташишларини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутди.

Ушбу режа босқичма-босқич ўтишни назарда тутди ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон ҳўжжат айланишига ва электрон ҳўжмата ҳамда унга қўшилган ҳўжжатларни алмашиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ваколатли органлари вакиллари 2022 йил июнь ва 2023 йил январда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича учрашувларда қатнашди. Унда мамлакатлар ўртасида транспорт ва божхона ҳўжжатларини электрон алмашишни босқичма-босқич амалга ошириш масалалари муҳўкама қилинди. Ўзбекистоннинг мазкур лойиҳада иштироки техник ва ҳўқуқий шароитларни яратилишини назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон ЕОИИ доирасида амалга ошириш босқичида бўлган Трансчегаравий (ташқи) электрон тижорат, Иқлим кўн тартиби, “Евроосиё агроэкспресс” лойиҳаларининг томонлар учун самарадорлигини таҳлил қилмоқда.

Ўзбекистоннинг мазкур интеграцион уюшмада кузатувчи давлат мақомида бўлиши республикада ривожланаётган илмий ва технологик инқилоблар, халқаро савдо, капиталнинг кўчиб юриши, замонавий транспорт, алоқа ва ахборот тизимлари, иқтисодий ҳаётнинг халқаролашуви жараёнининг глобал шаклланган даражага ўтишига ёрдам бермоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ЕОИИ мамлакатлари билан савдо айланмасини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро интеграциялашув ишлаб чиқарил ҳўжинининг ўсишига, янги технологияларнинг кенг ва жадал тарқалишига, инфратузилмаларнинг ривожланишига, халқаро иқтисодий ташкилотлар, фондлар ролининг янада ошишига, савдо ва бозорларнинг эркинлашуви ва бошқа ютуқларга эришилишига хизмат қиляпти.

Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон Президентининг Минск шаҳрида бўлиб ўтадиган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштироки ЕОИИ мамлакатлари ўртасида инвестиция, савдо-иқтисодий ва транспорт-логистика соҳаларида яқин ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга янги суръат бағишлайди ҳамда минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

«КУЧЛИ КЕНГАШ, ҲИСОБДОР ВА ТАШАББУСКОР ҲОКИМ» ТАМОЙИЛИ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛАДИ

Президентимиз шу йил 23 июнь куни “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳўкимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Унда “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳўким” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган асосий мақсад ҳамда вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг самарали ижроси сўнгги йилларда халқ ҳўкимиятичилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳбиримиз ушбу ҳўжжатнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Акс садо

Гўлруҳ АГЗАМОВА, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси:

— Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотлар тизимли амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Президентимизнинг ушбу Фармони ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларининг тақомиллашаётгани, шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳўким лавозимлари бир-биридан ажратилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб қабул қилингани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, Фармонда маҳаллий даражада халқ ҳўкимиятичилигини тўлақонли рўёбга чиқариш, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳўкимияти вакиллик органларининг ролини ошириш, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш, ижро ҳўкимияти органларининг маҳаллий халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланди.

Шу ўринда халқимиз манфаатларини таъминлаш йўлида ислоҳотлар ўтказиш ҳўр доим ҳам осон кечмаганини қайд этиш жоиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан бошланган ўзгаришлар бугун одамлар ҳаётини чинакам ўзгартирди, инсон қадр-қимматини юксакка кўтарди. Аҳоли буни қалбдан ҳис қилиб турибди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида “халқимиз билан бошланган демократик ислоҳотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз!” дея таъкидлайди. Қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин бу борадаги ташаббуслар билан мамлакатимиз факат олдинга қараб бормоқда.

Шу нуктаи назардан айтганда, Фармонда назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳам ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида номарказлаштиришга қаратилгани билан диққатга сазовор. Бунда ҳал депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари ваколатлари мувозанат-

ли тақсимланади, ҳар бир бўғиндаги маҳаллий давлат ҳўкимияти вакиллик органларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланади.

Албатта, буларнинг барчаси инсон манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қилади. Зеро, халқимиз ортга қайтмас ислоҳотлар йўлидан собитқадамлик билан дадил кетмоқда.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси аъзоси:

— Мазкур ҳўжжатнинг аҳамиятли жиҳати унда белгиланган мақсадларга эришишнинг дастурий ҳўжжатлари ва уларни амалга ошириш механизмлари, ахборот ва дастурий таъминоти, Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш механизмларининг ҳам очиб берилганидир. Бу, ўз навбатида, унинг ижросини тўлақонли рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Фармон билан тасдиқланган Концепциядаги бир йўналиш эътиборимизни тортди. У ҳам бўлса, маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида фуқароларга сессия ишини бевосита кузатиш имкониятини яратиш, бунда фуқароларнинг сессия ишига аралашши ҳўқуқисиз кузатувчи сифатида иштирок этиши тартибини белгилаш ҳисобланади.

Бу Концепциядаги жўдаям муҳим жиҳат. Шунини айта оламаники, фуқаролар томонидан маҳаллий Кенгашларнинг сессия ишини бевосита кузатиш утопия эмас, балки халқаро тажриба синовидан ўтган ҳақиқатдир. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. 2005 йили Даниянинг Орхус шаҳрида малака оширишда бўлганимда, Орхус шаҳрининг маҳаллий Кенгаши фаолияти билан танишиш имконияти ҳам бўлганди. Концепцияда келтирилган ушбу йўналишнинг ишлаш механизминини ўша ерда бевосита кузатгандим, яъни Кенгаш сессияси ўтадиган бино ҳам фуқароларнинг Кенгаш сессияси ишини кузатиш имконини берувчи юмалоқ шаклда, икки қаватли эди. Иккинчи қавати балкон шаклида бўлиб, у ердан фуқаролар биринчи қаватда ўтаётган сессия ишини бевосита кузатиш имконига эга, яъни фуқаролар ўз ҳудудларига оид масала юзасидан депутатлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнида сессия ишига аралашши ҳўқуқисиз кузатувчи сифа-

тида бевосита иштирок этишининг гувоҳи бўлгандим.

Концепцияда халқаро тажрибалар орқали синовдан ўтган бундай йўналишларнинг белгиланиши, хусусан, фуқароларимизга маҳаллий Кенгашларнинг сессия ишини бевосита кузатиш имконининг яратилиши, биринчи томондан, маҳаллий Кенгашларда қарорлар қабул қилиш жараёнларининг очиклигини таъминлайди. Иккинчи томондан, қарор қайси ҳудуд манфаати нуктаи назаридан қабул қилинса, ўша ҳудуд фуқаролари вакиллари-нинг қатнашиши ҳам аҳамиятлидир. Учинчидан эса фуқаролар маҳаллий Кенгашдаги ўз депутатининг ҳудуд манфаати учун билдираётган фикрлари, таклиф-мулоҳазаларини ҳам бевосита кузатиш имконига эга бўлади ва пиروвардда ушбу жараён маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўз сайловчилари олдидаги масъулиятларини янада оширади.

Азамат ПАРДАЕВ, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси аъзоси:

— Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони халқ ҳўкимиятичилигини амалда қарор топтиришга қаратилган яна бир муҳим сиёсий ҳўжжат бўлди. Унда “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳўким” тамойили асосида давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш назарда тутилмоқда.

Фармонда асосий мақсадлардан бири сифатида маҳаллий даражада халқ ҳўкимиятичилигини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида аҳоли иштирокини кенгайтириш қайд этилган. Бу эса давлат бошқарувида фуқароларнинг ташаббуси, фикри ва назорати муҳим аҳамият касб этаётганини аңглатади. Шу билан бирга, ижро органларининг маҳаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлигини кўчаитириш, ҳудудий бошқарувни номарказлаштириш, Кенгашларнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш каби мақсадлар ҳам белгилаб қўйилган.

Фармон билан тасдиқланган Концепцияда маҳаллий Кенгашларнинг ташаббускорлигини ошириш учун уларга қатор ваколатларни, жумладан, давлат кўчаси мулкидан фойдаланиш ставкаларини белгилаш, ижтимоий муҳофазаддаги шахслар учун иш ўринлари захирасини шакллантириш, маҳаллий йўлларда ҳаракат тезлигини тартибга солиш ваколатларини бериш назарда тутилган.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар ҳузурда Ёшлар гуруҳлари, фуқаролик жамияти ва ННТлар иштирокида Маслаҳат гуруҳлари тузилиши — қарорлар қабул қилишда очиклик ва шаффофликни кўчаитиришга хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ маҳаллий ҳўкимлар ўринбосарларини тайинлашдан аввал Кенгашларда муҳўкама этиш, маҳаллий ижро ҳўкимияти раҳбарларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тартибини жорий қилиш ҳам акс этган. Бу эса давлат хизматининг ҳисобдор ва халқ манфаатларига жавобгар бўлишни таъминлайди. Шунингдек, “Кенгаш соати” институти орқали жамоатчилик ва депу-

татлар иштирокида муҳим ижтимоий масалалар юзасидан мунтазам ахборот эшитиш амалиёти жорий этилади. Бу халқнинг давлат бошқарувидаги овози янада эшитилиши учун яратилган қўлай платформа бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш борасида ҳам “Е-Kengash” электрон платформасига катта эътибор қаратилмоқда. Қарор лойиҳаларини тайёрлашда сунъий интеллект, биометрик идентификация, блокчейн ва маълумотлар таҳлили каби технологияларни жорий этиш — маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг самардорлигини оширади.

Фармон ва Концепцияни тўла қўллаб-қувватлайман. Ишонаманики, ушбу ҳўжжат маҳаллий Кенгашларнинг мустақиллик, ҳисобдорлик ва ташаббускорлик салоҳиятини янада оширишга, шунингдек, нафақат ҳудудларни, балки бутун мамлакатни жадал ва барқарор ривожлантиришга хизмат қилади. Белгиланган вазифаларнинг тўла амалга оширилиши натижасида маҳаллий Кенгашлар халқ овози, жамият манфаати ва давлат сиёсатини маҳаллий эҳтиёжларга мослаштирувчи асосий институтга айланади.

Имомназар ТУРСУНОВ, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси аъзоси:

— Фармон билан Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳўкимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Концепция доирасида қатор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида эса парламент ва маҳаллий вакиллик органлари мамлакат ва ҳудудлар доирасида қабул қилинаётган стратегик ҳўжжатларни шакллантиришда, муҳўкама қилиш ва тасдиқлашда, энг муҳими, уларни ҳаётга самарали татбиқ этиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишга эришилади.

Албатта, ушбу Концепциянинг амалга оширилиши учун мавжуд муаммолар ўрганилиши ва уларга аниқ ечимлар топилиши керак. Лекин, умумий жиҳатдан, бу фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этиши орқали миллий бошқарув тизимини ривожлантиришда замонавий ва ижобий қадамдир.

Шу билан бирга, Концепцияда белгиланган мақсадлар ва мезонлар маҳаллий давлат ҳўкимияти вакиллик органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш учун аниқ йўналишларни белгилаш ҳамда баҳолаб бориш имконини беради.

Уларни ҳаётга татбиқ қилишда Қўнунчилик палатаси кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари ҳам фаол қатнашиб, маҳаллий Кенгашлар ва улар органларининг фаолиятига яқиндан қўмақ бериш, иш самарадорлигини ошириш ҳамда депутатларнинг сайловчилар билан самарали мулоқотини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратади.

«Халқ сўзи».

ИСТИҚБОЛНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК



Фермер ва тадбиркорлар билан мулоқот

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилоятида бўлиб, қатор тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари фаолиятини ўрганди.

Депутатлар дастлаб Қасби туманидаги “Саидакбар Саидахор” фермер ҳўжалигида дала майдонидаги гўза ниҳолларни парвариши ва томчиллатиш сўғуриш технологиясидан қай даражада самарали фойдаланилаётгани билан танишди.

Мулоқотда сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, соҳага доир қабул қилинаётган қўнунларнинг моҳияти, давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи давомида белгилан берилган устувор вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Учрашув давомида дала дўкўнларини сонини кўпайтириш, гўза ниҳолларни парвариши юксак агротехнологиялар асосида ташкил этиш, сув тежамкорлигига эътибор қаратиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, хонадонларда агроном хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича қатор таклифлар билдирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари мулоқот асносида туман фермерларини қийнаб келаётган муаммоларни, таклифларни эшитиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрди.

Депутатларнинг навбатдаги манзили — Қасби туманидаги “Мўғлон” МФЙ ҳудудида жойлашган “SULTON

Ислоҳотлар ижроси ўрганилди

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тиклаш” демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фаргона вилоятида бўлиб, аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди.

Ишчи гуруҳнинг учрашувлари Қувасой шаҳри Халқ қабулхонасида бошланди.

Президентимиз раислигида шу йил 16 июнь куни ислоҳотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Халқ қабулхоналари иши танқид қилиниб, қатор вазифалар белгиланган эди.

Қўнунчилик палатаси депутатла-

ри мазкур вазифалардан келиб чиқиб, муножаатларни ўрганди, аҳолини қийнаётган муаммоларни таҳлил қилди.

Депутатлар экспортбоп қуёш панеллари ва ёритиш ускуналари ишлаб чиқарувчи “Блуе Сарбон” корхонасида ҳам бўлди. Маълум қилинишича, 10 млн. долларлик хорижий инвестиция ҳисобиغا барпо этилган корхонада 150 та доимий иш ўрни яратилган.

Ишчи гуруҳ аъзолари корхона фаолияти билан яқиндан танишиб, ишчи-ҳодимлар билан суҳбатлашди. Уларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Халқ вакиллари вилоятдаги богчаларни иссиқ овқат билан таъминловчи “Гарден сатеринг” корхонаси фаолиятини ҳам ўрганди. Бу ерда тайёрланган таомлар, яна бир талай салат ва ширинликлардан болалардан тортиб, катталаргача етарли калория берувчи нонуша, тушлик, кечки таомлар мажмуаси тузилади. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган.

Депутатлар мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ишларини янада тақомиллаштириш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда иш олиб бориш орқали болаларнинг соғлом ўсишини таъминлаш бўйича зарур тасвиялар берди.

Бандликни таъминлаш — устувор вазифа

Қўнунчилик палатаси депутати Мавлудахон Адхамжонованинг

Андижон вилоятининг Олтинқўл туманида сайловчилар билан учрашувлари ҳар галгидек кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Депутат тумандаги “Ижтимоий” МФЙда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Учрашув давомида сўнгги йилларда тизимни тақомиллаштиришга доир кўплаб меъёрий-ҳўқуқий ҳўжжат қабул қилиниб, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган саломли ишлар қилингани қайд этилди.

Маълум бўлишича, “маҳалла еттилиги” томонидан ҳар бир оила назоратга олингани туфайли ҳудудда ишсизлик бартараф қилинган. Ҳар икки хонадоннинг бирида тадбиркорлик ёки хунармандчилик йўлга қўйилган. Аҳоли томорқадан фойдаланишда ҳам ўзига хос мактаб яратган.

Биргина мисол, Хўрзамон кўчаси 6-уйда яшовчи Одилжон Даминов оиласи доим изланишда. Оила аъзолари бир неча йилдирки, стол-стуллар ишлаб чиқаради. Натижада оиланинг даромади ўсиб, 10 нафарга яқин маҳалла ёшларининг бандлиги таъминланган.

Халқ вакили Олтинқўл туманида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни юқори баҳолаб, фуқаролар томонидан кўтарилган муножаатларни назорат-

Ёшлар учун имкониятлар майдони

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Муҳаммадхон Валиев ҳам жойлардаги мавжуд муаммоларни маҳаллабай, хонадонбай ўрганиш мақсадида Фаргона вилоятидаги қатор ижтимоий соҳа объектлари, таълим муассасалари фаолияти билан танишди.

Депутат Қўқон шаҳридаги 25-умумтаълим мактаби фаоли

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ

НАВҚИРОН АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАЁТГАН ТУЗИЛМА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келиняпти. Бунга жавобан ёшларимиз барча жаҳдада ўзларини тўла намоён этмоқда.

Сиёсий майдонда ёшлар манфаатларини фаол илгари суриш, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнларига жалб қилиш мақсадида Олий Мажлис палаталари

хузурида Ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилганига ҳам беш йил тўлди.

Дарҳақиқат, мазкур тузилма ёшларимизга яратилган имкониятлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар билан тенгдошларини яқиндан таништириш ҳамда уларнинг муаммо ва таклифларини тегишли органларга етказиш билан бирга қонун ижодкорлиги, навқирон авлод манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонунчилик таклифларини ишлаб чиқиш, назорат-

таҳлил йўналишида ва сенаторларнинг ҳудудлардаги фаолиятига қўмаклашишда фаоллик кўрсатиб келаётгани диққатга сазовор. Шу маънода у мамлакатимиз ёшларининг манфаатларини ифода этувчи парламентдаги муҳим тузилмага айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Қуйида Ёшлар парламенти аъзоларининг олиб бораётган фаолиятлари борасидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Мақсадли институционал ечимлар ҳосиласи

Ўзбекистон ёшларнинг давлат бошқаруви жараёнларидаги иштироки масаласида аниқ институционал ечимларни жорий этмоқда. Айниқса, Олий Мажлис Сенати хузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти ёш авлоднинг сиёсий маданиятини шакллантириш, қонун ижодкорлиги жараёнларини ўрганиш ва давлат институтлари фаолиятини чуқур тушунишга қўмаклашадиган амалий мактабга айланиш йўлида фаолият юритяпти.

Бугунги кунда бизнинг асосий вазифамиз — фақат чекли масалалар билан чекланмасдан, ёшлар овозини халқро микёсда ҳам эшитириш, турли мамлакатлар ёшлари билан очик мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Бу борада биз учун муҳим воқеликлардан бири Тошкент шаҳрида ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этишимиз бўлди. Мазкур нуфузли тadbир юздан ортик мамлакат парламентлари делегацияларини бир жойга жамлаган глобал платформа бўлиб, Ёшлар парламенти аъзолари учун халқро майдонда иштирок этиш, янги билим ва тажрибаларни ўзлаштириш имконини берди.

Ушбу ассамблея доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Глобал ёшлар парламентлари платформасини тузиш ташаббуси биз учун алоҳида аҳамият касб этди. Давлат раҳбари ўз чиқишида ёшларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки муҳим стратегик йўналиш эканини таъкидлади ва мазкур плат-



форманинг илк форумини Ўзбекистонда ўтказишни таъкиф қилди.

Айни дамда Ёшлар парламенти ушбу ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан дастлабки ишларни бошлаган. Халқро тажрибалар ўрганилмоқда, экспертлар билан маслаҳатлашувлар олиб бориляпти, хорижий ёшлар парламентлари билан алоқалар ўрнатилмоқда. Мақсад бу платформани оддий тadbир сифатида эмас, балки доимий ишлайдиган халқро ҳамкорлик механизмига айлантиришдир.

Иброҳим ЖўРАБОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати
хузуридаги Ёшлар
парламенти раиси
ўринбосари.

«Фаоллар жамоаси» — келажак лидерлари бир сафда

Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти фаолияти ҳамда унга бўлган ёндашув тубдан ўзгаргани сайин унинг фаолиятига хайрихоҳ, аъзолари билан бир сафда ишлаш истигидаги фаол ёшлар сафи ҳам қундан-қунга ортки бормоқда.

Ёшларни қонун ижодкорлиги жараёнларига жалб этиш, уларнинг сиёсий позицияларини мустақамлаш, уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида Ёшлар парламентининг «фаоллар жамоаси» ташкил қилинган.

Қисқа давр ичида мазкур жамоага қўшилиш истигида бўлган 894 нафар йигит-қиз рўйхатдан ўтди. Бирламчи саралаш жараёнларини ташкил этиш орқали уларнинг орасидан энг фаол, дунёқароши кенг ва яхши тақлифларни илгари сурган 614 нафар ёш «фаоллар жамоаси»га қабул қилинди. Шундан 282 нафари ёки 46 фоизи ўғил, 332 нафари ёки 54 фоизи қиз болалар ҳисобланади. Бу жамиятимизда катта ислохотлар амалга оширилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий фаол бўлиши учун янги имкониятлар яратиб берилаётгани тўғрисида қонун ижодкорлиги жараёнларида сиёсий фаол аёлларнинг улуши ортки бораётганидан далолатдир.

Мазкур «фаоллар жамоаси» аъзолари ҳудудлар кесимида шакллантирилиб, ўз фаолиятларини ҳудудлардаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ёшлар маслаҳат гуруҳлари билан биргаликда ташкил қилади.

Шунингдек, июнь — ёшлар ойлиги доирасида ҳудудлар кесимида «фаоллар жамоаси» аъзолари учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Аъзоларни лойиҳалар бошқаруви, нотиклиқ, жамоани шакллантириш, ижтимоий тармоқларни юритиш ва фойдаланиш «контент»лар тайёрлаш йўналишларида ўқитиш ҳамда ўқиш якунида махсус сертификат ва аъзолик ишонч ёрликларини топиштириш режалаштирилган.

Бугунги кунда медиа олами энг кучли ва таъсир доираси кенг кулрол сифатида эътироф этиш мумкин. Тараққий этган технология асрида инсоннинг қундалик ҳаётини медиа олами сиз, айниқса, ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.



Ёшлар парламенти фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ёшларда ҳабардорлик ҳиссини ошириш мақсадида ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалар ташкил қилинди. Қолаверса, халқро ҳамжамиятини ҳам фаолиятимиз билан яқиндан таништириш мақсадида Ёшлар парламентининг расмий сайти фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда 5 мингдан кўп ёшлар расмий саҳифаларимизни фаол кузатиб келмоқда.

Шунингдек, медиа оламидаги ишларимизни сифатли ва тартибли ташкил этиш мақсадида медиа жамоани шакллантирдик ҳамда бир йилга мўлжалланган режа ишлаб чиқдик. Бугунги кунда медиа жамоамиз билан биргаликда «Енгилмас» фильми, «Сиз қонунни биласизми?», «Ёшлар учун имконият», «Адабиёт надув?» ва «Yoshlar news» медиа лойиҳалари устида иш олиб бормоқдамиз. Ёшлар ойлиги доирасида барча медиа лойиҳаларимизни оммага тақдим қилиш ниятидамиз.

Азизбек ОЧИЛБОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати
хузуридаги Ёшлар
парламенти раиси
ўринбосари.

(«Халқ сўзи»).

Бугунги аниқ режа — эртанги муваффақият

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи жадал давом этаётган бугунги кунда биз ёшлар олдиди ҳам қатор муҳим вазифалар турибди.

Биринчи навбатда, Ёшлар парламенти фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш мақсадида иш режаларимизни аниқлаб олдик. Унда кўпроқ ҳудуд ёшлари билан ишлаш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал этиш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш каби аниқ вазифалар белгилан олинди.

Ёшлар парламентининг қонунчилик фаолияти бора-сида фикр юритадиган бўлсак, парламент аъзолари Сенат кўмиталари ҳамда маҳаллий Кенгашларда ташкил этиладиган қонунлар муҳокамаларида мунтазам қатнашиб, қонунларнинг ҳудуд манфаатларига мослигини таҳлил этиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлмоқда.

Шунингдек, Сенатнинг қонунчилик таклифини ишлаб чиқиш жараёнларида иштирок этиш билан бирга, режамизда ёшларга доир қонунларни тақомиллаштириш юзасидан ҳар йили камда биттадан Ёшлар парламенти таклифини илгари сурмоқчимиз. Бундан ташқари, ҳудудларда қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш ва тарғиб қилиш, бу орқали йигит-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасидаги ишлар ҳам режалаштирилган.

Ёшлар парламенти аъзолари назорат-таҳлил фаолиятида ҳам, қонунлар ҳамда давлат дастурларининг ҳудудлардаги ижросини ўрганиш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Сенат кўмиталарининг ўрганишлар бўйича тузилган ишчи гуруҳлари таркибига ҳам жалб этилганмиз. Масалан, Ёшлар парламенти аъзолари Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, шу-



нингдек, киберкоррупцияга қарши самарали курашишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий базани яратиш бўйича идораларо гуруҳ аъзоллигига қўшилган.

Шу билан бирга, Ёшлар парламенти иш режасига навқирон авлод бандлиги масаласини пухта ўрганиш, болалар ҳамда аёлларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар, хотин-қизларнинг STEM (фан, технология, муҳандислик ва математика) соҳасида ўқишга қизиқишини рағбатлантириш йўналишидаги тарғибот ишларида ҳамда ёшлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган тадбирларда сенаторлар билан биргаликда фаол иштирок этиш ва жамоатчилик назоратини олиб бориш масалалари киритилган.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 14 февралда ёшлар билан учрашувда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари хузурида Ёшлар маслаҳат гуруҳларини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бугунги кунда деярли барча вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари хузурида Ёшлар маслаҳат гуруҳлари тузилган бўлиб, ушбу йигит-қизлар Ёшлар парламентининг яқин ҳамкори, издошларидир. Улар билан ҳам ишлаш бўйича алоҳида режамиз бор.

Лайло АСЛОНОВА,
Олий Мажлис Сенати
хузуридаги Ёшлар
парламенти раиси.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

Факт ва рақамлар

— сўнгги 7 йил ичида ёшлар масалаларини тартибга солувчи **100 дан ортки** қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди;

— 2020 йилда Олий Мажлис палаталари хузурида Ёшлар парламенти ташкил этилди ва шу кунга қадар унинг аъзолари **100 дан ортки** қонун лойиҳалари муҳокамаларига қатнашди, парламент кўмиталари билан биргаликда **80 дан ортки** назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширди.

Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти **100 нафар** аъздан иборат:

— **84 нафари** — маҳаллий Кенгашларнинг ёш депутатларидан сайланади (ҳар бир вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан **6 нафардан**);

— **10 нафари** — Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тасвия этилади;

— **6 нафари** — Сенатнинг тегишли кўмитаси тавсиясига асосан.

2025 йилги таркиб қуйидагича:

— аъзоларнинг **95 фоизи** олий маълумотга эга;

— **13 нафар** аъзо давлат мукофотларига сазовор бўлган;

— **11 нафари** хориждаги нуфузли олийгоҳлар битирувчилари;

— **30 фоиз** аъзолар — аёллар.

Халқро алоқалар: асосий йўналишлар ва янги ташаббуслар

Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти навқирон авлоднинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларни парламент тизимига жалб этиш ҳамда халқро микёсда манфаатларини илгари суришга қаратилган фаолият олиб бормоқда.

Ёшлар парламенти МДХ давлатлари, хусусан, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Қирғиз Республикаси ёшлар парламентлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Шу билан бирга, БМТнинг турли тузилмалари, жумладан, ЮНЕСКО, шунингдек, Германия халқро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ) каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик иштирок билан ҳамкорлик иштирок билан кенгайтириляпти. Бу йўналишда ёшларнинг глобал ташаббуслардаги фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини қўшма лойиҳалар ва тренинглар орқали ривожлантириш кўзда тутилган.

Ёшлар парламентининг халқро ҳамкорликдаги муҳим қадамлардан бири бу

2025 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясидаги иштирокидир.

Мазкур нуфузли тadbир доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ёшлар парламентлари учун глобал платформа ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Бу ёшлар парламентларининг халқро нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг глобал даражадаги овозини кучайтириш ва парламент тизимидаги институт сифатида ролини ошириш йўлида муҳим ташаббус бўлди.

Шунингдек, ассамблея доирасида ёш парламент аъзолари форумининг навбатдаги йиғилиши ўтқа-

зилди. Унда халқро ҳамкорлик, барқарор ривожланиш, ижтимоий адолат, тинчликни таъминлаш ва парламентлараро алоқаларни кенгайтириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ушбу форумда Ўзбекистон Ёшлар парламенти аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, халқро ҳамкорлик, барқарор тараққиёт ва ижтимоий адолатга ёшларнинг қўшаётган ҳиссаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу чиқишлар халқро аудитория томонидан катта қизиқиш билан тингланди ва ёшлар нуктаи назарини илгари суртишда муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу тузилманинг халқро фаолияти нафақат ёшлар манфаатларини ил-



гари суришга, балки уларни глобал микёсдаги қарорлар қабул қилиш жараёнларида жалб этишга, овози халқро майдонда янграшишга хизмат қилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда ва истиқболда янада кенг қамровли ташаббусларнинг амалга оширилиши режалаштирилган.

Сарвиноз СУННАТИЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Сенати
хузуридаги Ёшлар парламентининг
Халқро муносабатлар ва
туризм масалалари
комиссияси раиси.

Коррупция — шунчаки жиноят эмас, балки миллатга хиёнат

Ёшлар парламенти фаолиятининг илк кўнлариданоқ Ёшлар ҳуқуқлари, қонунчилик ва коррупцияга қарши кураш масалалари комиссияси ташкил этилиб, вужудга келган масала юзасидан атрофчида ўрганиш ишларини амалга ошира бошлади. Бунда Сенатнинг тегишли кўмитаси, масъул идора ва вазирликлар, ёшлар фаоллари, экспертлар билан биргаликда муаммонинг илдижи ва ечимлари устида тadbир олиб борилди. Хорижий ва синовдан ўтган миллий тажрибалар моҳияти ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар натижасида ўларок, комиссия ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ёшларнинг коррупцияга қарши муросасиз муносабатини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида»ги қонунчилик таклифи ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун дастлабки тарзда раҳбариятга тақдим этилди. Мазкур қонун лойиҳасида ёшларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга, коррупциявий омилларга қарши курашишда фаол бўлишга, очиклик ва шаффофлик тамойил-


лари асосида иш олиб боришга, шунингдек, бу соҳада жонбозлик кўрсатган ёшларни рағбатлантиришга қаратилган нормалар бор бўлиб, амалдаги муаммоларнинг қисман бўлса-да камайишига хизмат қилади.

Шунингдек, комиссиянинг ўрганишлари натижасида ёшлар учун «Йул харитаси» бўлиб хизмат қиладиган бир неча услублар ишлаб чиқилди. Жумладан, ёшларга коррупциянинг жамиятга ва шахсга салбий таъсири, унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида тушунириш ишларини олиб бориш, университетларда, мактабларда коррупция-

га қарши махсус курслар, семинарлар ташкил этиш ҳамда ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозим, деб топилди. Бу ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширади, уларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантиради. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш орқали ёшлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва қонуний йўллар билан ҳаракат қилишни ўрганади.

Давлат хизматларини рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайитириш, онлайн аризалар ҳамда таълим ва ишга қабул

қилиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида онлайн платформаларни ривожлантириш ишларини тизимли йўлга қўйиш ҳам долзарб масалалардан. Рақамлаштириш инсон омиллини камайтиради ва коррупцияни ҳолатларнинг олдини олади. Шаффофлик эса адолат тамойилини мустаҳкамлайди, ёшларда давлатга бўлган ишончнинг оширади. Очик маълумотлар порталлари орқали давлат хизматларининг ҳисоботларини эълон қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ёшлар ташкилотлари, нодавлат ношаро ташкилотлар ва фаол фуқароларни коррупцияга қарши курашиш жараёнларига жалб этиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш кераклиги белгиланди. Бу билан жамоатчилик назорати давлат органларининг фаолиятини шаффофлаштиради ва уларни масъулиятли бўлишга ундайди. Ёшлар ўзларининг ташаббуслари билан коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади.



Қирғизистонда бўлиб ўтган «IV Турк агробизнес форуми»да Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Ибрат

Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидаги Қаражар қишлоғида Тошкентбай, Махсетбай, Еркинбайдан кейин қизалоқ

дунёга келади. Отаси Ешан бундан хурсанд бўлиб, элга ош беради. Онаси Анийпа опанинг “Нега ўғиллар эмас, қиз фарзанд туғилганида тўй қиляписиз?”

деган саволига отаси “Уч ўғлим бир тўбе, бир қиз бир тўбе”, яъни учта ўғлим бир томон, битта қизим бир томон, деб жавоб беради.

ўргатган барча ишларни ўргатган. — Янги келин бўлиб тушган пайтларимда уйимизга меҳмон келди. Ун километр олисдаги дўконга бориб келиш керак бўлди, — дейди Зулфия Турдимуратова. — Шун-

МЎЙНОҚДА МАКТАБ ОЧГАН МУАЛЛИМА

Довруқ билан дунёга келган ўша қизалоқ Зулфия Турдимуратова бўлиб танилгунча анча йўллارни босиб ўтди. Ва биринчи синф муаллимиси Раҳима Жиямуратовага ҳавас қилиб, педагоглик касбини танлайди.

Қорақалпоқ давлат университетида қорақалпоқ тили ва адабиёти йўналишида тахсил олган муаллима олий маълумотли бўлиб овулига қайтади. Дастлаб ўзи туғилиб-ўсган қишлоқдаги мактабда юқори синф ўқувчиларига дарс беради. 1998 йил Мўйноқ туманидан 30 километр олисдаги Жалғиз терек қишлоғи аҳолиси ундан бошланғич синф ўқувчиларига дарс беришни илтимос қилишади. Қишлоқда ўтган асрларда қурилган мактаб бўлиб, кейин бузиб ташланган, янгисини қуриш учун ўқувчилар сони етарли эмас деб топилганди. Бу ерлик ўғил-қизлар ўз қишлоғидан қарийб тўққиз километр узоқликда жойлашган 9-мактабга бориб ўқишга мажбур бўлади. Узок йўл мактаб ўқувчиларидан қўшимча вақт ва куч талаб қилар, айниқса, қўйи синф болалари учун дарсга бориш машаққат эди.

Ўқитувчи Зулфия Турдимуратова ҳашар йўли билан ихчамгина бўлса ҳам, мактаб қуриш ҳаракатига тушади. Дастлаб қамишдан қурилган мактабда болаларнинг ўқитишни бошлайди. Мактаб битта хонадан иборат, на пол ва на стол-



стул бор эди. Муаллима ҳар кўни эрталаб печкага ўтин ёқар, синф хонасини иситиб, болалар келишига тайёрларди.

У бошланғич синфдаги 4 та синфга бир хонада дарс беришга тўғри келганда ҳам қийинчиликларга бўйин эгмайди. Бир вақтнинг ўзига 1-синфга ҳарф ўргатиб, 4-синфга ёзма иш ёздирган муаллиманинг касбига садоқати ва шижоатини овулдагилар ҳам қадрларди. Аммо кўп ўтмай қамишдан қурилган мактаб бузиб ташланади. Овулдаги болаларнинг таълимини ўйлаб тунларни тонгларга улаётган устозидан хабар олгани келган ўқувчилар ҳам ундан бирор имдод кутарди. Уларнинг ўқишга бўлган чан-

қоқлиги ва кўзларидаги эртанги кунга бўлган умид Зулфия опага яна куч бағишлади. Қишлоғида қўйи синф ўқувчилари учун мактаб қуриш ҳаракати тушди. Турмуш ўртоғи бу гоёни қўллаб-қувватлади. Эр-хотин бор чорвасини сотиб, қолганига банкдан кредит олади. Ва мактаб биноси қурилиш бошланади.

— Дастлаб кредит олиш ниятимиз йўқ эди, ўз маблагимизга қуришни ният қилган-

дик, — дейди маърифатпарвар муаллима. — Иморат қуриш осон иш эмас, уни битиргунча оғилхонадаги қўй-эчкиларгача сотдик. Улар тугагач эса кредит олишга тўғри келди. У пайтлар кредит олишининг ўзи бўлмасди, ойлик маошимни ҳисоблаб, кредит тўлашга қобилияти йўқ деб топилди. Кейин кафили излаб, кўп овора бўлдим. Бир кўни уйимизга меҳмонга келган Маржон опадан кредит олишимга ёрдам беришини сўраб илтимос қилдим. У кафил бўлгач, шу заҳотиёқ туман халқ таълими бўлимига бордим. 2011 йилда шу кредит эвазига мактаб қурилди. Болаларнинг яна ўз қишлоғида бошланғич таълим олиш имконига эга бўлди.

Янги мактаб қурилгач, Зулфия опадан бошқа фидойи ўқитувчи топилмади. Бир вақтнинг ўзига бошланғич синфларга 26 соат дарс берди. Мактабда нима юмуш бўлса — пол ювишми, синф хоналарини жиҳозлаш ёки печкага ўтин ёқишми, ҳаммасини қилаверди. Оиласи ва фарзандлари тарбиясига ҳам, маҳалла-қўйнинг тўю маъракаларига боришга ҳам вақт топди.

— Бугун ўқитувчиларга яратилган шарт-шароитларга ҳавасим келади. Улар интернет орқали замонавий методик қўлланмалар билан танишиш имкониятига эга, — дейди Зулфия опа. — Илгари бирон масалага жавоб топиш учун қанчадан-қанча китобларни титишга тўғри келарди. Айни пайтда машгулотларга тайёр-гарлик асносида интернетдан мавзуга оид янгиликларни тўплаш, доимий таҳлил этиш имконияти бор. Ўқитувчи замон билан ҳамнафас бўлиб мавзунини самарали тушунтиришининг мақбул усуллари ҳақида ўйлаш, фикрлаш, турли режалар тузиши керак. Чўнқи янгича педагогик технология ва услубларни қўлламай, дарсликдаги гапларни қуруқ сўзлаб бериш билан қиёфояниш ўқувчиларни ўқишдан бездиради.

...Зулфия опа денгиз кўрган халқнинг қизи. Февлида ҳам мўйноқликларга хос бўрон турганда тўқиларни жўштирадиган қўтарилиш, шамол тингач, соқиллашиш одати бор. Отаси унга акаларига

да мотоциклни бир тепиб ўт олдириб-да, қайинсинглимини ўтқазиб, ҳайдаб кетдим. Қишлоқдагилар янги тушган келинчакнинг мотоцикл миниб кетаётганини кўриб ҳайрон бўлишган. Кейин билсам, улар мотоцикл минган аёлни биринчи кўриши экан. Болалигимдан отамдан мотоцикл бошқариш, ҳатто милтиқ отишни ҳам ўрганганман...

Хуллас, мўйноқлик оддий муаллима мактаб қуриш учун олган кредитини ўз маошидан ойма-ой тўлаб борди. Халқнинг болаларини билимли қилиш мақсадида ўз даромадидан воз кечиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдими. Бу давлатнинг иши деғувчилар кўп. Аммо Зулфия опа Ватан менга нима берди эмас, мен Ватанга нима бердим деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам муаллиманинг камтарона меҳнати Президентимиз томонидан II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди.

— Мен ўқитувчилик касбини танлаганимдан, келажакда буюқ Ўзбекистонимизга муносиб авлодлар тарбиялаш ишига оз бўлса-да ҳисса қўшганимдан фараҳланаман, — дейди бугунги кунда фарзандлар ардоғида, ўндан орқатқ невараларнинг суякли бувижониси бўлиб ҳаёт гаштини сураётган фидойи муаллими.

Файрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

БАРМОҚЛАР ЯРАТАЁТГАН МЎЪЖИЗА

Ўзбек миллий каштадўзлиги халқ хунармандчилиги санъатининг энг қадимий турларидан бўлиб, у қийимлар ва ашёларни безаш ҳамда рўзгор безак буюмлари тайёрлашда қадимдан қўлланилган.

Каштадўзлик

Галлаороллик Хосият Яминова каштачилик соҳасини амалий санъат ва касб даражасига олиб чиққан моҳир каштадўзлардан. Қарангки, унинг тадбиркорлиги ҳам каштачиликка асосланган. Хунармандчилик соҳасида доим изланади, таддиқ қилади ва ўрганганларини ўзи яшайётган Гафур Ғулом номидаги маҳалла хотин-қизларига ҳам ўргатади. Хосият опа хунарининг ортидан турли фестиваллар, тадбир ва кўргазмаларда иштирок этиб, миллий маданиятимизни жаҳонга кўз-кўз қилмоқда. У шоғирдларига кашта тикиш сирларини ўргатаркан, бу шунчаки хунармандчилик ёки амалий санъат эмас, балки унда биз ўрганишимиз, асрашимиз ва келажак авлодга етказишимиз керак бўлган чуқур фалсафа борлигини доимо ўқитиб келади.

— Миллий хунармандчилик маҳсулотларимиз жозибадорлиги, яратилиш тарихи ҳаммаша чет элликлар эътиборини тортди келган, — дейди хунарманд. — Улар кўпроқ тўқима жилдларни харид қилиши баробарида кашталарнинг турлари, номи ва келиб чиқиши, тарқалиши, матоси, ҳатто табиий ипигача қизиқиб сўрайди. Бундай ёстиқларнинг бит-



тасини икки кунда тикиб битираман. Уларни тайёрлашда шотик бўз, ипак ва уруғоқ матолардан фойдаланилади. Сайёҳларга ўзбек миллий каштачилик санъати, тикиш ва рамазлари ҳақида сўзлаб бераганимизда таъриятга тушишарди. Дарҳақиқат, каштадўзликдаги ҳар бир тасвир беназир ва чуқур мазмунга эга. Дейлик, анор — бу оила рамзи, фаровонлик белгиси. Бодом нуса тасвирлари барака, рўзгор бутлги ва тўқинликка ишора. Кашталаримизда анор, бодом, қалампир нуса нақшлар ҳам кўп учрайди. Галлаорол ҳудудида қўпроқ доира, айлана шаклида, ўзига хос услубда кашталар тикилади. Айлана шакли Ер сайёрасини билдиради. Халқимиз азалдан оилапарвар, фарзандага меҳри

«ХЎЖАЙКОН» ШИФОБАХШ ТУЗ ГОРИ

Сурхондарёнинг яна бир ноёб ва гўзал бойлиги — бу “Хўжайкон” туз гори. У Шеробод туманидаги Оқтошога қишлоғида, Қўхитанг тоғ тизмалари этакларида, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда, Жануби-Шарқий ёнбағирда жойлашган. Табиатнинг бетакрор инъоми бўлган бу гор ўзининг ғаройиб кўриниши, туздан ҳосил бўлган ноёб шакллари ва мусофдо ҳавоси билан сайёҳларни мафтун этади. Узунлиги 200 метрни ташкил этадиган гор деворлари уч сантиметргача туз қатлами билан қопланган. Ички йўлакчасида туз эритмалли шифобахш сув мавжуд. Гор ичкарасидаги бешта хона ҳарорати, намлиги, босими, туздаги макро ва микро элементлари билан кескин фарқ қилиши ҳақиқий мўъжиза. Ёзининг чилласида ҳам хоналардаги ҳарорат 14 — 25 даражача илиқликни ташкил этади.

Тиббиёт туризми

Мутахассисларнинг айтишича, гордаги муҳит юқори нафас олиш аъзолари, жумладан, юрак-қон томир касалликларининг 1-2 босқичлари, эндокрин тизими касалликлари, айниқса, буюқ қасалигига шифо. Қон босимини меъёрлаштириб, бронхит, астма, ёш болаларда сурункали ларингит, катта ва кичик ёшдаги ринит, полиноз, зотилжам, ўпка шамоллаши, асаб системаси касалликларини самарали даволайди. Шўр суви стоматит, аллергик дерматит, пародонтоз, тери касалликларини даволашга ёрдам беради.

“Хўжайкон” тиббиёт туризмни ривожлантириш учун жуда қулай ҳудуд. Хусусан, табиат қўйнида тинчлик ва ҳузур излаганлар учун ажойиб манзил. Бу ерда соғлигин-

гизни тиклайсиз, мириқиб ҳордиқ чиқарасиз, табиат мўъжизасидан эстетик завқ olasiz.

— Ҳар йили меҳнат таътилида туз гориغا келиб, бир ҳафта дам олишни одадга айлантирганман, — дейди Тоир Абдуллаев. — Бу ердаги муҳит ҳақиқий мўъжиза. Ҳавоси тоза, шифобахш. Бир неча кунлик дам олишнинг ўзи баданга куч-ғайрат бағишлайди, руҳиятни тинчлантиради.

Туз горида беморлар, дам олувчилар учун барча қулайлик яратилган. Улар малакали шифокорлар доимий кузатувда бўлиб, турли муолажалар, фойдали маслаҳатлар олишади.

— Бу ерга биринчи марта келганимда танамда оғриқ, асабийлик

ва доимий чарчоқ бор эди, — дейди Барчиноӣ Панжиева.

— Муолажалар ва шифобахш муҳит таъсирида ўзимни анча яхши ҳис қилмоқдаман. Ҳаводаги туз зарралари нафас йўлларида тозалайди. Ички аъзолар фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун юртдошларимга, хусусан, доимий чарчоқ, нафас йўллари хасталиклари ёки стрессдан азият чекаётганларга бу ерга таъсир буюришни тавсия қиламан.

“Хўжайкон” туз гори нафақат табиатнинг ноёб мўъжизаси, балки юртимиз тарихий ва маданий бойликларидан бири сифатида ҳам эътироф этилган. Ушбу горни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш мақсадида 2019 йил 4 октябрда Вази́рлар Маҳма́си-



нинг тегишли қарори билан “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати”га киритилган. Бу билан “Хўжайкон” расман давлат муҳофазасига олинган.

Айтиш жоизки, ушбу туз кони илк бор 1987 йилда очилган бўлиб, 1989 йилдан бошлаб унда туз ишлаб чиқариш ишлари бошланган. Бугунги кунда “Хўжайкон туз кони” масъуляти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 25 млрд. сўмлик йодланган ош тузи қадоклаш корхонаси самарали фаолият юритмоқда. Бу корхона нафақат бозор-



га сифатли маҳсулот чиқармоқда, балки юзлаб инсонларни иш билан таъминлаб, ҳудуд иқтисодига ҳам салмоқли ҳисса қўшаётир.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

Шукроналик

Момоларимиз нонни беҳиштинг неъмат, дейишади. Ривоят санасак-да, нонга, ҳатто тандирга ҳам эҳтиромимиз улуг. Қаңчалик ёзмайлик ёки ранг-баранг тасвирларда суратга олмайлик, ноннинг таъминини ифодалаш мушкул. Лекин у билан боғлиқ хотиралар бир умр эсдан чиқмайди. Ишонмасангиз, бир асрни қаритган “Шухрат” медали соҳибаси Ҳамро момо Муслимованинг хотираларини тингланг! Момо бир юз икки бор бугдой пишиги билан юзлашган. Илк тишлам нонидан тортиб, қурғоқчилик, қаҳатчилик, қимматчилик ва очарчилик, қўйингки, барчаси худди ке-чагидек ёдида. Бугун у ҳамқишлоқлари етиштирган бугдой нонини кўксига босганча олис йилларнинг нон билан боғлиқ ўқубатли кунларидан ҳикоя қилади.



ЎЗИНГНИНГ ДОНИНГ — БЕМИННАТ НОНИНГ

— Ўроқдан сўнг, болалар ўнtagина машоққ териб келиши, — дея хотирлайди Ҳамро момо. — Эсим кетмаса, тўрвани дарахтга илиб қўяманми? Ўзма-из бригада билан таъбибли кириб келди.

Қамчини тортиб, районга олиб кетишди. Кечқурун қайним хўжайинни олиб бориб, мен билан алмаштирди. Ўша ёқдан шўрликни сув омбори қазмишга жўнатишди. Ногирон бўлиб қайтди, ўнганмади...

Бугун Қизилтепа далаларида ҳам бугдойга ўроқ тушган. Фермерлар бирин-кетин ийккан домини умумий хирмонга тўкмоқда. Бултўр кузлар бугун ўзаро суҳбатларда берилётган “галла қандай?” деган саволлар ўрнини энди давраларда самимий шўкроналик ва мамнуният эгаллаган. Шу бўҳона мозийга бот-бот қайтилиб, бугунги дориламон кунлардан диллар яйрайди.

— Ўтган асрнинг 50-йиллари бўлса керак, онам раҳматлик бир пиёлагина жўҳорини ёручқодан ўтказиб, опам иккимизга атала тайёрлаб беради ва шунга ҳам тўймай қолардик, — дейди Сафар бобо Қобилов. — Оғир йиллар эди, одамлар кўнжара еб, илшиб кетганлигини эътиштардик. Шўқри, ун танлаб, нон ёпадиган замонларни ҳам кўрдик.

Ўзингнинг донинг, беминнат нонингга не етсин! Лекин мамлакатда галла мустақиллиги осон кечгани йўқ. Одамларимизнинг уйини, мол-мулкни, осийишлатиғини қўриқлаган ички ишлар органилари далада майса урган галлазорларни қўриқлашга ҳам жалб этилди. Галлазорларни чорва моллари пайхонидан асраш бўйича Вази́рлар Маҳма́сининг алоҳида қарорлари қабул қилиниб, қатъий чоралар қўлланилди.

— Мактабдан қайтгач, тенкурларимиз билан мол ўтлатишга чиқардик, — дейди жалойирлик Одил Орипов. — Молларни қўйиб юбоғи Вази́рлар Маҳма́сининг алоҳида қарорлари қабул қилиниб, қатъий чоралар қўлланилди.

— Мактабдан қайтгач, тенкурларимиз билан мол ўтлатишга чиқардик, — дейди жалойирлик Одил Орипов. — Молларни қўйиб юбоғи Вази́рлар Маҳма́сининг алоҳида қарорлари қабул қилиниб, қатъий чоралар қўлланилди.

Темур ШИБОЕВ («Халқ сўзи»).



Жорий йил якунига қадар бир миллион дарахтни рақамлаштириш режалаштирилмоқда.

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР МУАЛЛИФЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахририяти томонидан муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, улар ўртасида соғлом ижодий рақобатни кучайтириш мақсадида “Энг яхши мақолалар” танлови ўтказилиши аънаваный тус олган.

Кеча мазкур танловнинг 2025 йил биринчи ярим йили якунлари бўйича ғолиблари тақдирланди.

Тобора оммалашиб бораётган танловга мамлакатимиз зиёлилари, турли соҳа олимларидан юздан ортиқ ижодий ишлар қабул қилинди ҳамда уларнинг аксарияти газеталаримизда чоп этилди. Ҳакамлар ҳайъати улар орасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳияти, аҳамияти таҳлилий руҳда, қизиқарли ва таъсирчан усул ҳамда услубда очиб берилган, самимий ва содда тилда ёзилган энг яхши мақолаларни саралади.

Натижаларга кўра, “Халқ сўзи” газетаси бўйича педагогика фанлари доктори, профес-

Халқ сўзи
Народное слово

ТАНЛОВИ

сор Собитхон Турғунов (2025 йил 21 январдаги “Таълим тараққиёти сари дадил қадам” сарлавҳали мақоласи учун), Тошкент давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шухрат Боймуродов (2025 йил 19 июндаги “Назория ва амалиёт уйғунлиги битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини юксалтиради” сарлавҳали мақоласи учун), Андижон давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор



Алиқон УТАРБЕКОВ олган сурат.

Бахтиёр Расулов (2025 йил 24 июндаги “Барқарор келажакка дадил қадам” сарлавҳали мақоласи учун) эътироф этилди.

“Народное слово” газетаси бўйича Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Фафуржон Мухамедов (2025 йил 19 мартдаги “Соот-ветствовать требованиям вре-

мени” сарлавҳали мақоласи учун), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тўлқин Тешабоев (2025 йил 27 майдаги “Членство во Всемирной торговой организации: значимый шаг на пути к национальным целям” сарлавҳали мақоласи учун), Самарқанд давлат чет тиллар институти

ректори, профессор Баходир Холиқов (2025 йил 25 июндаги “Социальное государство: реальность и перспективы” сарлавҳали мақоласи учун) ғолиб деб топилди.

“Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган “Кучли давлатни билимли ёшлар куради” сарлавҳали мақоласи ҳамда газета тарғиботидаги фаол иштироки учун “Турон” фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори Баходир Ҳасанов рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ кўрилди.

Эътироф этилганларга тахририят совғаси ва дипломлар топширилди.

Тақдирланганлар ҳар иккала газета ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, тақлиф ва ташаббусларини халққа етказишда чинакам минбар вазифасини ўтаётганини айтиб, ўз миннатдорликларини билдирди.

Танлов шу йил охиригача давом этади.

«Халқ сўзи».

АГРАР СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Дунё аҳолисининг муттасил ўсиб бориши, иқлим ўзгаришлари ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Бугунги кунда ҳар бир давлат ўз аҳолисини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга интилоқда. Бу борада аграр соҳа тараққиёти муҳим аҳамият касб этади.



этирилиб, яна 100 минг гектар ер деҳқон хўжалиқларини ташкил қилиш учун аҳолига бўлиб берилди. Пахтачиликда 40 фоиз майдонда Хитойда ўзини оқлаган илғор тажриба жорий этилади.

Уруғчилик — юқори ҳосилдорлик омили

Юқори ҳосилдорлиқнинг биринчи омили, бу — уруғчилик. Хитой қишлоқ хўжалиғи академияси экинлар уруғи ва қўчатчилиғида катта тажрибага эга. Бизда эса қишлоқ хўжалиғи бўйича 14 та илмий институт, 55 та уруғчилик хўжалиғи бўлгани билан янги нав ва агротехнология масаласида оқсоқлик бор. Деҳқонлар маҳаллий уруғдан манфаат кўрмагани учун чет элликни экяпти. Шу боис Юқори Чирчиқ туманидаги Агрохизматлар марказида Хитой тажрибаси асосида уруғчилик ва қўчатчилиқни йўлга қўйиш режалаштирилган.

“Рақамли қишлоқ хўжалиғи” ягона интегралцион платформаси такомиллаштирилиб, маҳсулот етиштирувчиларга “бир дарча” та-

қилишда ёрдам кўрсатиш орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда.

Замоनावий технологияларни жорий этиш, ҳосилдорлиқни ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш, зараркунандаларга қарши курашиш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун замоनावий технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиғи соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш, янги навлар ҳамда гибридларни яратиш, ер унумдорлигини ошириш ва сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш — устувор вазифалардан бири.

Колверса, йўллар, электр таъминоти, сув таъминоти, алоқа ҳамда бозорларни ривожлантириш йўли билан қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш ҳам кун тартибда. Аграр соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, фермерлар ва мутахассисларнинг малакасини юксалтириш, ерларни мелiorация қилиш, эрозияга қарши курашиш, қўлланчанинг олдини олиш ҳамда ердан фойдаланишнинг барқарор усулларини жорий этиш зарур.

Сув тежовчи технологиялар — давр талаби

Аграр тизими ривожини замоनावийлаштириш ва ҳосилдорлиқни ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиғи илмий тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, олимларнинг малакасини оширишга қаратилган ишлар олиб бориломоқда.

Сув тежовчи қурилмаларни жорий этиш, томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш каби замоनावий усуллардан фойдаланиш кенгайтирилиб, ерларни лазерли текислаш билан боғлиқ инновацион технологиялар татбиқ қилинаётгани, қишлоқ хўжалиғини замоनावий қамбайлар, тракторлар ва бошқа илғор техникалар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётгани бугунги таҳликали замонда аҳолининг сифатли ҳамда арзон озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Колверса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғи инновациялар ҳамда инвестициялар кенг жалб этилмоқдаки, ушбу йўналишда эришилган натижалар амалда ўз ифодасини топаётир. Мисол учун, соҳадаги тўб ислохотлар сабаб пахта ҳамда ғалла ҳосилдорлиғи ошди. Қайта ишлаш технологияларини қўллаш, сақлаш шароитларини яхшилаш ва логистикани такомиллаштириш орқали мева-сабзавот экспорти ҳажми ўсди. Сув тежовчи технологияларининг амалиётга татбиқ этилиши сувдан фойдаланиш ҳажмини сезиларли даражада камайтирди. Энергия тежовчи ускуналардан фойдаланилаётгани эса қишлоқ хўжалиғи корхоналарининг энергия сарфини пасайтирди.

Албатта, қишлоқ хўжалиғи соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимиз аҳолисини нафақат сифатли маҳсулотлар билан, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Тизим фидойилари эса ушбу йўлда илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, замоनावий технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтириш, соҳа вакилларини, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда агрокластерларни ривожлантириш керак бўлади. Бу эса пировардида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, нархларни барқарорлаштириш ва аҳоли даромадларини оширишга ҳисса қўшади.

Сайфулла АЛИБЕКОВ,
Тошкент давлат аграр университети
Ахборот тизимлари ва технологиялари
кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди.

Таҳлил

Озиқ-овқат хавфсизлиғи, бу ҳар бир инсоннинг фаол ва соғлом ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда, хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний ҳамда иқтисодий имкониятнинг мавжудлиғидир. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакатининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Аграр тармоқ ривожини эса ҳосилдорлиқни ошириш, янги ерларни ўзлаштириш ва замоनावий технологияларни қўллаш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон беради.

Илм-фан — қишлоқ хўжалигининг таянчи

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиғи соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқараётир. Ана шундай мураккаб шароитга қарамаздан, ўтган йилда юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилди.

Албатта, бундай ютуқларга эришишда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиғи ривожига берилаётган юксак эътибор, тармоқда тўб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, соҳага илғор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бермоқда. Утган йили 100 минг гектар майдонда касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли серхосил гўза навлари экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ғаллачиликда ресурс тежайдиган замоनावий агротехнологияларни қўллаш натижасида ўртача ҳосилдорлик биринчи марта 85 центнерга етказилди. Олти мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз бу борада 90 — 100 центнерлик маррани забот этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ресурсларни тежайдиган интенсив технологиялар асосида 50 минг гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ҳосилдорлик аънаваный усулга нисбатан 200 — 250 центнерга ошгани, соф даромад гектаридан 6 — 8 минг долларни ташкил этгани ҳам муҳим ютуқлар қаторига киради.

Шунингдек, ўтган йили қишлоқ хўжалиғи субъектларига 18 трлн. сўм имтиёзли кредит ва 176 млрд. сўм субсидия ажратилгани, умумий қиймати 3,6 трлн. сўмлик 11 600 донга юқори унумли замоनावий техника ва агрегатлар етказиб берилгани ҳам мавсум-

“Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғига инновациялар ҳамда инвестициялар кенг жалб этилмоқдаки, ушбу йўналишда эришилган натижалар амалда ўз ифодасини топаётир. Мисол учун, соҳадаги тўб ислохотлар сабаб пахта ҳамда ғалла ҳосилдорлиғи ошди. Қайта ишлаш технологияларини қўллаш, сақлаш шароитларини яхшилаш ва логистикани такомиллаштириш орқали мева-сабзавот экспорти ҳажми ўсди. Сув тежовчи технологияларининг амалиётга татбиқ этилиши сувдан фойдаланиш ҳажмини сезиларли даражада камайтирди. Энергия тежовчи ускуналардан фойдаланилаётгани эса қишлоқ хўжалиғи корхоналарининг энергия сарфини пасайтирди.”

риш бўйича 343 та янги лойиҳа ишга туширилгани диққатга сазовор. Шунингдек, деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг нафардан ортиқ ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани ва 200 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қишлоқда бандликни таъминлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Томорқачиликда даромадни ошириш мақсадида 5145 та маҳалла “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослаштирилди. Чорва наслини яхшилаш ва маҳсулот ҳажминини кўпайтириш учун аҳолига 40 минг бош қорамол, 82 мингта қўй ва эчки етказиб берилди, четдан 260 минг бош зотдор моллар олиб келинди.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттириляпти. Мазкур йил бўйича қабул қилинган Давлат дастури соҳани барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиғида “яшил” технологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўйича янги имкониятлар очди. Айниқса, аграр соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг барча тармоғидаги инновацион фаолиятини интеграциялаш мақсадида 2025 йили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи фанлари академиясини ташкил этиш белгиланган.

Ўтган йиллардаги ижобий тажриба давом

моили асосида комплекс хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ ахли учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилади. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар ортда ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамликни камайтириш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш мақсадлари ётбди.

Бундан ташқари, аграр соҳа тараққиёти таъминлаш учун қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фермерларга субсидиялар ажратиш, имтиёзли кредитлар бериш, солиқ имтиёзларини қўллаш ва қишлоқ хўжалиғи техникасини харид

Албатта, қишлоқ хўжалиғи соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимиз аҳолисини нафақат сифатли маҳсулотлар билан, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Тизим фидойилари эса ушбу йўлда илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, замоनावий технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтириш, соҳа вакилларини, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда агрокластерларни ривожлантириш керак бўлади. Бу эса пировардида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, нархларни барқарорлаштириш ва аҳоли даромадларини оширишга ҳисса қўшади.

«СОҲИЛ»ДАГИ МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Косонсой туманидаги “Соҳил” болалар соғломлаштириш оромгоҳи — бир томонида шарқираб оқаётган сой, бир томонида тоғ бўлган баҳаво маскан. Унда 1-босқичда республикаимизнинг шахар ва туманларидан келган 160 нафар ўғил-қиз мароқли ҳордиқ олди. Айни пайтда оромгоҳ фаолиятини давом эттирмоқда.

Ўзги таътил — 2025

“Соҳил”да бешта гуруҳдан иборат дам олувчиларга олий маълумотли, тажрибали 16 нафар тарбиячи масъул қилинган. Ҳар бир кун ўз номи билан белгилашиб, турли маданий-маърифий ва оммавий тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилган.

“Болалар фестивали кунини”, “Дўстлар давраси” интерактив ўйини, шеърлар ва қўшиқлар танлови, спорт мусобақалари, ватанпарварликни таранум этувчи фильмлар намойиши, “Заковат” танлови шулар жумласидан.

“Ёш китобхоналар” ринги, “Талант шоу” ҳамда “Карооке кечаси” болажонларга олам-олам завқ бағишлайди, — дейди оромгоҳ директори Комилжон Нортониев. — Бундан ташқари, туризм ва ўлкашунослик, она табииатни асраш мавзусидаги тадбирлар жуда мароқли ўтмоқда. Ўсмир-



ларнинг интеллектуал салоҳияти шаклланишига, жисмонан соғлом вояга етишига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз. Ўтказилган барча танлов, мусобақалар якунида ғолибларни диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирлаймиз.

“Долзарб 90 кун” дастури асосида амалга оширилаётган ушбу тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг соғлом, билимли ва фаол бўлиб улғайиши учун замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Муҳиддин МАЎЗУМОВ,
журналист.



ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Гиёҳвандлик — жамият учун жиддий муаммо. Аср вабоси бўлган ушбу иллат нафақат саломатликка, балки иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларга ҳам жиддий зарар етказиши. У бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган глобал офат бўлиб, ҳар қандай жамият учун хавфлидир. Шу боис бошқа тараққийпарвар давлатлар қаторида мамлакатимизда ҳам мазкур иллатга қарши кескин чоралар кўриб келинмоқда.

Тадбир

Кеча 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноконуний айланishiга қарши кураш кунини муносабати билан Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда республика ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида наркoбизнесга қарши кураш давомида мусодара этилган гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилишга қаратилган навбатдаги тадбирда шулар ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

Қайд этилгандек, аънанга кўра жорий йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази томонидан мутасадди давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда “Биз ҳаётини танлаётимиз!” шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Тадбир давомида Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда гиёҳванд моддалар тарқалишининг олдини олиш дастури (CADAP-7) координатори Антонио Гонсалес “Ўзбекистондаги CADAP-7 дастури ташаббуслари” мавзусида тақдимот қилди.

Унга кўра, ҳозирги кунда дунё бўйлаб қарийб 300 млн. киши гиёҳвандлик воситалари суйистеъмол қилипти, қурбонлар сони эса бир йилда 600 минг кишидан ошмоқда. Мазкур муаммолар қўллаб-қувватлаш қатори Ўзбекистонни ҳам ташвишга солмоқда. Таҳлилларга кўра, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда наркoхинонлар сони қарийб 2 баравар, ноконуний муомаладан олинган наркотиклар мусодараси 8,5 баравар ошган бўлса, синтетик ги-

ёҳвандлик воситалари мусодараси 80 баравар кўпайган. Мутахассисларнинг фикрича, бу тенденцияга қарши курашда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки бутун жамият — оила, таълим муассасалари, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари бирилаган ҳолда ҳаракат қилишлари зарур.

Тадбирда ўтган бир йил давомида Ўзбекистон ҳулуфидида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ноконуний муомаладан мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари, психо-троп моддалар, қучли таъсир қилувчи дори воситалари ва прекурсорларни йўқ қилиш маросими онлаин тарзда намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати-нинг маълум қилишича, ёқши маросимда жами 2 тонна 135 кг. 188 гр. гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди.

Тадбирда гиёҳвандлик воситаларига бўлган тобеликдан даволаниб чиққан ҳамда наркoхиноят учун жазони ўтаб келган фуқароларга сўз берилди. Наркотиклар чангалидан қутулиб, янги ҳаётни бошлаган ушбу шахслар раъмзий тумгани боис, гиёҳванд моддаларни йўқ қилиш жараёнига тарт беришди.

Тадбир доирасида “Биз ҳаётини танлаётимиз!” шиори остида ўтказилган видеороликлар танлови ҳамда “Санъат гиёҳвандликка қарши!” номи остида уюштирилган расмлар танлови ғолиблари ва совриндорлари тақдирланди.

Шундан сўнг “Мутлақ ёвузлик” номи хўжлати фильмнинг қисқа ролиги иштирокчиларга намойиш этилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси «Осиё кубоги — 2026» саралаш босқичида «F» гуруҳидан жой эгаллади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопийбачи 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.20 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6